

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

моддаларининг мембранали гидролизи ва сўрилиши .....	187
<b>Н.Полвонов</b>	
Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида мол-мулкни мусодара қилишга бўлган муносабат .....	189
<b>О.А.Yuldashev</b>	
Сиёсий партиялар ва ҳукумат идоралари .....	192
<b>И. Исмаилов</b>	
Қўқон хонлиги Маллахон Ибн Шералихон даврида (1858-1862) .....	195
<b>Р. Дусчанов</b>	
Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг солиқ сиёсати (1950-1970 йиллар мисолида) .....	198
<b>Р. Джураев</b>	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда чорвачиликнинг аҳволи (от ва йилқичилик мисолида) .....	202
<b>М.Темирова</b>	
Халқ ҳаётида радиодастурлар ролининг ошиб бориши ва уларнинг ғоявий-маънавий функциялари (1927-1991) .....	205
<b>О.Халилов</b>	
Мустақил Ўзбекистон ва Хитой халқ республикаси ўртасидаги муносабатлар тарихий нуқтаи назардан .....	209
<b>Д. Камбарова</b>	
Инглиз тили дарсларида ахборот воситаларидан фойдаланиш .....	212
<b>Қ.Кахаров</b>	
Германияда маданиятлараро нутқий этикет муаммолари .....	214
<b>Ф. Дадабаева</b>	
А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида диалог таржимаси .....	217
<b>Г. Азамжонова</b>	
Шукрулло ижодига Жаҳон ва рус адабиётининг таъсири .....	220
<b>Н.Мерганова</b>	
Талабаларнинг хорижий тилда оғзаки нутқини ўстиришнинг педагогик усуллари .....	224
<b>М.Қаҳҳорова, З.Мухаммаджонова</b>	
Чет тили дарсларида ижтимоий шаклларнинг аҳамияти .....	227
<b>А.Х.Зинатуллина</b>	
Француз тили дарсларида қўшиқлардан фойдаланиш .....	230
<b>Ф.Анварова</b>	
Жаргонларнинг нутқимизда тутган ўрни ва вазифаси .....	233

УДК: 372.65

ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ИЖТИМОЙ ШАКЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ  
ЗНАЧЕНИЕ СОЦИАЛЬНЫХ ФОРМ НА УРОКАХ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА  
THE IMPORTANCE OF SOCIAL FORMS IN FOREIGN LANGUAGE CLASSES

М.Қаҳҳорова<sup>1</sup>, З.Мухаммаджонова<sup>2</sup>

<sup>1</sup>М.Қаҳҳорова

ФарДУ, филология фанлари номзоди, доцент.

<sup>2</sup>З.Мухаммаджонова

ФарДУ талабаси.

**Аннотация**

Мақолада хорижий тил дарсларида ижтимоий шаклларнинг тутган ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

**Аннотация**

Данная статья посвящена роли социальных форм на уроках иностранного языка и их особенностям.

**Annotation**

In this article, the role of social forms in foreign language lessons and their particular aspects will be shown.

**Таянч сўз ва иборалар:** ижтимоий шакллар, фронтал дарс, гуруҳ бўлиб ишлаш, жуфтликларда ишлаш, якка ҳолда ишлаш, дарс жараёни, компьютер тармоқлари, глобал ўзгаришлар, интерфаол, топшириқлар.

**Ключевые слова и выражения:** социальные формы, фронтальный урок, групповая работа, работа в паре, индивидуальная работа, процесс занятия, компьютерные сети, глобальные изменения, интерактивный, задания.

**Key words and expressions:** social forms, frontal lesson, group works, pair works, individual works, the process of lesson, computer networks, global changes, interactive activities.

Маълумки, ёшларга таълим ва тарбия беришдан асосий мақсад, уларда тез ўзгараётган дунёда ўз ўрнини топа олишлари, жамиятда қийинчиликларга дуч келмасдан яшашлари учун зарур бўлган ҳаётий кўникмаларни шакллантиришдан иборатдир.

Таълим бериш жараёнида ҳар бир педагог олдида “Қандай қилиб, қандай усуллар билан дарс жараёнида ўқувчиларни фаоллаштириш мумкин?” деган савол туғилади. Албатта, бутун дунёда услубшунослар томонидан бугунгача таълимни ривожлантириш жараёнида ўқитишнинг турли усуллари тадқиқ этилган ва амалиётда қўлланилиб келинмоқда. Улардан айримлари ўрганувчиларни жамоа бўлиб ўқитишга мўжалланган бўлса, айримлари ўқишни индивидуал ташкил этишга мўжалланган [4,57-58].

Чет тили дарсларида ижтимоий шаклларни қўллашга бўлган интилиш кун сайин ошиб бормоқда. Сўнги ўн йилликдаги дунё билан компьютер тармоқлари орқали боғланишдаги глобал ўзгаришлар ёшлар орасида чет тилини ўрганишга бўлган

муносабатни кескин ўзгартирди. Бугунги кунда кишилар фақатгина бир чет тилини ўрганмасдан, балки бир неча тилни билиши лозим. Шу муносабат билан чет тилини ўрганишда қўлланилиб келинаётган “фронтал дарс” ижтимоий шакли етарли бўлмай қолди. Дунё ҳудудларидаги ижтимоий ўзгаришлар (Европа Иттифоқининг вужудга келиши ва бошқалар) ва улар ўртасида кўп томонлама маданий, Туризм ва иқтисодий алоқаларнинг ўрнатилиши кабилар кишиларда, айниқса ёшларда чет тилини эгаллашда турли хил ижтимоий шаклларни қўллаш истагини туғдирди.

Маълумки, ижтимоий шаклларга қуйидагилар киради:

1. Фронтал дарс;
2. Гуруҳ ишлари;
3. Жуфтликларда ишлаш;
4. Якка ҳолда ишлаш[4.61-76].

Ўтган асрнинг 80-йилларида чет тили дарслари фронтал дарслар асосида ташкилланар эди. Фронтал дарсда ўқитувчи ўқувчиларни ўзи белгилаб олган мақсад сари етаклаши, ўқитувчи ўз дарсини маълум

бир мезонлар асосида баҳолаши, агар ўқувчилар дарсга ўз муносабатини билдирсалар, буни дарсга ҳалақит сифатида қабул қилиниши (чунки ўқитувчи дарснинг ҳар бир дақиқасини режалаштирган бўлар эди), ўқувчилар доимий равишда ўз эътиборларини ўқитувчига қаратишлари уларнинг зерикишига олиб келиши, ўқувчиларнинг дарс жараёнида мустақил бўлмасликлари, ўқитувчининг дарсда доминант бўлиши кабиларни фронтал дарснинг хусусиятлари сифатида белгилаш мумкин.

Ҳозирги замонавий чет тили дарсларининг асосий ўқитиш мақсади ўрганувчиларда алоқага киришиш, яъни мулоқот қилиш кўникмасини шакллантиришдан иборатдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун ўрганувчиларда дарс жараёнида доимо фаол қатнашишлари, тилни қўллашлари ва мурожаат қилишлари талаб этилади. Ўрганувчилар имкон борича ўзлари учун қизиқарли бўлган турли суҳбатлар олиб боришлари ва мазмун юзасидан турли баҳс ва мунозаралар ўтказиб, фикр алмашишлари зарур бўлади. Шу сабабдан ўрганувчиларга нафақат билим олишларини ёки ўрганган тил кўникмаларини қўллашларини, балки шу тил жараёнида иштирок этишларини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу натижаларга эришишнинг энг қулай ва замонавий усули ижтимоий шакллар; индивидуал, жуфтлик, пленум ёки гуруҳ бўлиб ишлашдан фойдаланишдир. Агар ўрганувчилар интерфаол усулларга йўналтирилган дарсда биргаликда ишлаб, сўнг натижаларни намойиш қилишса, баҳоланишса, бу уларга ҳар қандай оддий усулдаги дарсдан фойдалироқ бўлади.

“Энг яхши дарс жараёни янги мавзунини бир-биридан ўрганиб қабул қилишдир”[2,82]. Ижтимоий ўрганишнинг бундай шаклидан ҳамма ўрганувчилар фойда кўрадилар. Ўзлаштириш даражаси кучли бўлган ўрганувчилар паст ўзлаштирувчи ўрганувчиларни гуруҳ бўлиб ишлаш жараёнида руҳлантиради ва бу орада ўзлари ўрганган билимларини мустаҳкамлашади ва такрорлашади. Бу усул фанда “ёрдам усули”, деб юритилади. Бу ҳолатга нисбатан шундай савол туғилиши мумкин. Қандай қилиб ижтимоий жараёнлар

чет тили дарсларида ўрганиш жараёнига ижобий таъсир кўрсата олади?[3,45].

“Интерфаол” атамаси лотинча сўз бўлиб, “биргаликда ҳаракат қилмоқ”, деган маънони англатади.

Турли хил тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўрганувчиларнинг нутқи интерфаол чет тили дарсларида кам ишлар экан. Кўпинча дарсда ўқитувчи гапиради, ўрганувчилар бу вақтда машқлар ва топшириқларни бажаришга, грамматик мавзу ёки янги сўзларни ўрганишга, топшириқларни текшириш учун машғул бўладилар. Демак, дарсларда интерфаол усуллардан фойдаланиш вақтдан унумли фойдаланиш ва дарсни эффектив ташкиллашга хизмат қилади.

Таъкидлаб ўтганимиздек, ижтимоий шакллар чет тили дарсларида алоқага киришишга хизмат қилади. Тил жараёнининг ҳамма шакллари ўрганувчилар, ўрганувчи-ўрганувчи орасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, интерфаол усулларни қўллаш орқали ҳар бир фаннинг ҳаётда қўлланилишини улар тўғрисида хулосалар чиқара олиши биргаликда муаммоларни ҳал этиш кўникмасига эга бўлиш хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис этиш каби ишларни амалга ошириш орқали дарс жараёнларининг сифатини ошириш кўзда тутилган. Ижтимоий жараёнлар бевосита дарсларда алоқа муносабатини яратади. Бир томондан улар ижтимоий жараёнларни ҳаракатга келтирса, бошқа томондан когнитив ўрганувчилар жараёнини бошқаради. Дарс жараёнида ҳамкорлик ўрганувчи ва ўргатувчилар орасида фронтал дарс сифатида, гуруҳ бўлиб ишлаш, жуфтликда ишлаш ёки индивидуал ҳолда ишлаш сифатида ўтказилади. Дарсларни ижтимоий жараёнлар орқали ўтишдан асосий мақсад ҳар бир ўрганувчини дарс жараёнида қатнашишини таъминлашдан иборат.

Интерфаол усуллар орқали дарс ташкил этишда синф хоналаридаги мавжуд стол ва стулларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Аксарият ҳолларда синф хоналарида жойлашган стол ва стуллар фронтал дарслар ёки индивидуал ишлаш учун қўлланилади. Жуфтликларда ишлашни ҳам мазкур синф хоналарида ташкил этиш мумкин, лекин

гуруҳ ишларини ташкил этиш анчайин қийинчилик туғдиради.

Бизга маълумки, кўз алоқаси одамларнинг бир-бирини тушунишни осонлаштиради. Шу сабабдан дарсни имкон қадар ўрганувчиларни орқам-орқа бўлиб ўтиришларига йўл қўймаслик лозим.

Бундан кўриниб турибдики, чет тили дарсларини замонавий ва интерфаол ташкил этишнинг яна бир муҳим вазифаларидан бири синф хонасини тўғри ташкил этиш ҳамда осон ҳаракатланадиган енгил стол ва стуллардан, ёруғ хоналардан фойдаланиш демакдир.

Ижтимоий шакллар халқларнинг маданияти билан ҳам боғлиқ бўлади, шунинг учун дарс жараёнини ташкил этишдан олдин қайси интерфаол усул мос келишини ва ўрганувчилар қайси ижтимоий шаклларни афзал кўришларини аниқлаш лозим. Ижтимоий шакллар ўрганувчиларнинг истакларидан келиб чиқиб танланса, янада мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарс жараёнини ташкил этишнинг бир неча тури бор, масалан, “Бекатлар”да

ишлаш. Бу жараёнда топшириқлар хона бўйлаб турли хил жойларга тарқатилади ва ўрганувчилар чегараланган вақт ичида жойларини ўзгартиришади. Топшириқларни бажариш жараёнида индивидуал, жуфтлик ва гуруҳ бўлиб ишлаш мумкин.

Кейинги шакл кўпроқ катта гуруҳларда жуфтликда ишлашга мос бўлиб, булар “Синф хонаси бўйлаб саёҳат”, “Карусель”, деб номланади, Дарснинг боришида ўрганувчилар синф хонаси бўйлаб юрадилар ва бу усул савол-жавоб тарзида бўлади. “Карусель” усулида эса ўрганувчилар ички ва ташқи доира тузадилар ва кичик суҳбатлар олиб борадилар. Суҳбат тугагандан сўнг ҳаракатланадилар ва янги шерик билан суҳбатни давом эттирадилар. Бу усуллар асосан бошланғич босқичдаги ўрганувчилар учун тақлиф этилади.[1,67]

Хулоса қилиб айтганда, интерфаол усуллар ва ижтимоий шакллар чет тили дарсларида ўрганувчиларда билим олишга ва янги мавзуларни тушунишга ёрдам беради.

#### Адабиётлар:

1. Rainer Bohn. Die kommunikative Methode – München, 2000.
2. Inge C.Schwerdtfeger. Gruppenarbeit und innere Differenzierung - München, 2001.
3. Gerhard Neuner und Hans Hunfeld. Methoden des fremdsprachlichen Deutschunterrichts – Saidumar Saydaliyev. Чет тили о'қитиш методлари. Наманган, 2005.
4. Hermann Funk u.a. Aufgaben, Übungen, Interaktion - München, 2014.
5. Gerhard Neuner u.a. Übungstypologie zum kommunikativen Deutschunterricht - München, 1981.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор).